САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.08/2025.27.12.V.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУХОЛИҚОВ ҲАҚҚУЛ ХОЛИҚУЛОВИЧ

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ МУШУКСИМОНЛАРИ (FELIDAE) ПАРАЗИТОФАУНАСИ ВА УЛАРНИНГ ЗООНОЗЛАР ТАРҚАЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

03.00.06 - Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2026

УДК: 636.8.045.09:576.89.67

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филасофи (PhD) по ветеринарным наукам

Content of abstract of doctor phylosofy (PhD) on veterinary sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.08/2025.27.12.V.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУХОЛИҚОВ ҲАҚҚУЛ ХОЛИҚУЛОВИЧ

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ МУШУКСИМОНЛАРИ (FELIDAE) ПАРАЗИТОФАУНАСИ ВА УЛАРНИНГ ЗООНОЗЛАР ТАРҚАЛИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

03.00.06 - Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд -2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/V146 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (rezyume)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Сафаров Алишер Абдуқаҳор ўғли** биология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Даминов Асадулло Сувонович** ветеринария фанлари доктори, профессор
	Ғойипова Мўтабар Эргашевна ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.08/2025.27.12.V.11.01 рақамли илмий кенгашнинг 2026 йил “21” феврал соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: +998 (55) 707-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№14352 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: +998 (55) 707-76-86.

Диссертация автореферати 2026 йил « 10 » 02 куни тарқатилди.

(2026 йил « 10 » 02 даги № 04 рақамли реестр баённомаси).

Х.Б. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

К.Х. Уроков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, в.ф.б.ф.д., (PhD)

Қ.Н. Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, в.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда мушуксимонлар энг кенг тарқалган ҳайвонлардан бўлиб, уларнинг бош сони 1 млрд. бошдан ошган. Йиртқич сутэмизувчилар (Carnivora: Mammalia) туркумига мансуб бўлган ушбу оила вакиллари ҳайвонот оламида муҳим аҳамият касб этиб, уй мушуклари одамлар билан жуда яқин алоқада бўлган, мазкур оиланинг хонакилашган ягона вакили ҳисобланади. Шунингдек, “мушукларнинг баъзи паразитлари зарарланган ҳайвонлар билан яқин алоқада бўлиш ёки ифлосланган муҳитга таъсир қилиш орқали зоонотик потенциалга эга эканлиги одамлар саломатлиги учун ҳам жиддий хавф туғдиришидан далолат беради”[1].

Дунёда рўй бераётган иқлим ўзгариши каби глобал ҳодиса билан биргаликда уй ҳайвонлари популяциясининг кўпайиши паразитларнинг ривожланиши ва бошқа ҳудудларга кенг тарқалишига имкон бермоқда. Жумладан, “World Population Review” томонидан 2025 йил якуни бўйича берилган маълумотларга кўра “уй мушукларининг популяцияси 830 млн. бошга етган. Шундан, 480 млн. боши дайди ҳолатда, 350 млн. боши эса одамлар билан бирга яшайди”[2]. Ушбу рақамлар уй мушуклари популяциясининг кескин ортганлигидан далолат бериб, уларнинг паразитар ва бошқа юқумли касалликларига қарши кураш чораларини илмий ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шунингдек, барча давлатларда уй мушукларининг бош сонини бошқариш, доимий мониторинг юритиш, одамлар билан уй мушуклари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ва ветеринария хизматларини режали равишда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда мушуксимонлар оиласи 10 тур ва 4 кенжа тур билан ифодаланади, улар биоценозларнинг ҳар хил турларида яшайди ва биологик хилма-хилликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда расмий рўйхатга олинган ит ва мушуклар бош сони 3 млн. бошга яқинлашган. Расмий рўйхатга олинмаган, дайди ҳолатда ҳаёт кечирадиган мушуклар ёввойи табиат билан одамлар ўртасида юқумли ва юқумсиз, жумладан, паразитар касалликларни тарқатувчи занжир сифатида хизмат қилади. Шунингдек, мазкур оила вакилларининг паразитлари фаунаси комплекс равишда ўрганилмаганлиги эпизоотологик ва эпидемиологик вазиятни янада мураккаблаштириши мумкин. Шу боисдан мушксимонларнинг экто ва эндопаразитлари фаунасини ўрганиш, паразитларнинг эпизоотологик (эпидемиологик) ҳолатини баҳолаш, касаллик қўзғатувчиларининг экологияси, биологияси ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этган ҳолда замонавий усуллар ва халқаро тажрибалар асосида касалликни ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан саналади.

---

[1] Beugnet F., Bourdeau P., Chalvet-Monfray K. et al. Parasites of domestic owned cats in Europe: co-infestations and risk factors. Parasites Vectors 7, 291 (2014).

[2] https://worldpopulationreview.com/country-rankings/cat-population-by-country

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги "Ветеринария тўғрисида"ги ЎРҚ-397-сон ва 2016 йил 19 сентябрдаги "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги ЎРҚ-408-сон Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ПФ-60-сон Фармони ҳамда 2022 йил 31 мартдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-187-сон қарори шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V "Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофазаси" устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли биоценозларда тарқалган мушуксимонлар оиласи вакилларининг паразитлари тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, алоҳида гуруҳ паразитларининг таксономик ҳолати, паразитларнинг молекуляр-генетик таҳлили, паразитар касалликларнинг эпизоотологияси ва эпидемиологияси, паразитларга қарши дори воситаларининг самарадорлик кўрсатгичлари ҳамда эктопаразитлар орқали тарқаладиган патогенлар бўйича хорижлик олимлардан I.D. Robertson ва R.C. Thompson (2002), M.Fisher (2003), N.Coati ва б. (2003), G.Schares ва б. (2008), A.Taubert ва б. (2009), V.Mircean ва б. (2010, 2011), D.Traversa ва б. (2010), D.Barutzki ва R.Schaper (2011), D.Cesare ва б. (2011), A.C. Becker ва б. (2012), A.Näreaho ва б. (2012), B.Capári ва б. (2013), F.Riggio ва б. (2013), H.Waap ва б. (2013), B.Frédéric ва б. (2014), Seyed Reza ва б. (2018), A.D. Mihalca ва б. (2022), L.C. Panait (2023) ва бошқа тадқиқотчилар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ва Республикамиз олимларидан П.Муминов ва А.М. Аллояров (1963), П.Муминов (1964), И.Х. Иргашев (1965), Р.Э. Бекиров (1968), А.С. Александрова ва Р.Т. Сафиуллин (2010), В.А. Храпай (2013), М.Ш. Елчуев ва Р.Ш. Ибрагимова (2013), Г.Г. Фаталиев ва Р.Ш. Ибрагимова (2016), Т.В. Москвина ва Л.В. Железнова (2017), С.Г. Медведев (2018), А.С. Бердибаев (2021), А.А. Сафаров (2024), K.Lider (2024) ва бошқалар мушуксимонлар оиласи айрим вакилларининг паразитлари фаунаси ва экологиясини ўрганишга доир тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бироқ, ушбу тадқиқотларда мушуксимонлар оиласи вакилларининг экто ва эндопаразитлари комплекс равишда замонавий усуллар орқали ўрганилмаган, эктопаразитлар ва улар орқали тарқаладиган патогенлар бўйича етарлича маълумотлар мавжуд эмас.

Тошкент вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд эканлиги, бугунги кунда ҳудудда ит ва мушуклар популяциясининг кун сайин ортиб бораётганлиги, жумладан уй ва ёввойи мушукларнинг бош сони кескин кўпайганлиги мазкур вилоятда тарқалган мушуксимонлар оиласи вакиллари паразитларининг эпизоотологик (эпидемиологик) аҳамиятини ўрганиш ва баҳолаш, паразитлар тур-таркибини аниқлаш ва биологик хусусиятларини изоҳлаш, эктопаразитлар орқали тарқаладиган патогенларни молекуляр-генетик усуллар ёрдамида ўрганиш ва паразитозларнинг олдини олиш усуллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш бўйича инновацияларга асосланган тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг илмий ишлар режасига мувофиқ (2023-2025) ҳамда “Марказий Ўзбекистон ҳудудида зооноз касалликлари қўзғатувчилари ва ташувчиларининг популяцион экологияси” номли ФЛ-8323102078 рақамли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятининг турли ҳудудларида тарқалган мушуксимонлар паразитларининг тур-таркибини аниқлаш, эпизоотологик ҳолатини баҳолаш, молекуляр усуллар орқали патогенлар тарқалишидаги ролини изоҳлаш ва доминант турларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент вилоятининг турли ҳудудларида тарқалган мушуксимонлар паразитларининг эпизоотологик ҳолатини аниқлаш;

паразитларнинг биологияси, морфологияси ва экологик хусусиятларини изоҳлаш;

мушуксимонларда учрайдиган эктопаразитларнинг патогенлар тарқалишидаги ролини молекуляр-генетик усуллар орқали асослаш;

зооноз хусусиятга эга бўлган паразит турларини молекуляр-генетик жиҳатдан ўрганиш ва филогенетик муносабатларини таҳлил қилиши;

айрим ветеринария дори воситаларининг паразитларга қарши самарадорлигини баҳолаш ва мақбул препаратларни амалиётда фойдаланиш учун тавсия этиш;

мушуксимонлар паразитларининг экологик ва эпизоотологик (эпидемиологик) хусусиятлари ҳамда одамлар учун зооноз хавфини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент вилоятининг турли ҳудудларида тарқалган мушуксимонлар, улардан йиғилган гельминт ва эктопаразитлар ҳамда уларнинг личинкалик (имаго) босқичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Тошкент вилоятининг турли ҳудудларида тарқалган мушуксимонлар паразитлари ва уларнинг эколого-эпизоотологик хусусиятлари, айрим ветеринария дори воситаларининг самарадорлик кўрсаткичлари, паразитлар билан зарарланган мушуксимонларни ташхислаш ва замонавий усуллар билан даволаш ҳамда олдини олишнинг инновацион усуллари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда паразитологик, экологик, эпизоотологик, молекуляр биологик, биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: Тошкент вилоятининг турли экосистемаларида тарқалган мушуксимонлар 36 турдаги гельминтлар ва эктопаразитлар билан зарарланганлиги, шундан 22 тури хавфли зоонозлар эканлиги аниқланган;

ўрганилган ҳайвонлар гельминтлар фаунаси Cestoda, Acanthocephala ва Nematoda синфларига мансуб 30 турдан, эктопаразитлар фаунаси эса Arachnida ва Insecta синфларига мансуб 6 турдан иборатлиги аниқланган;

мушуксимонлар айрим турларининг гельминтлар билан умумий зарарланиш даражаси 68,8%; эктопаразитлар билан зарарланиши эса 29,8% эканлиги аниқланган;

Тошкент вилояти биоценозларида мушуксимонлар вакили бўлган қамиш мушуги (*Felis chaus*) популяциясида аниқланган гельминт турларининг хилма-хиллиги юқори кўрсаткични (23) ташкил этиши асосланган;

мушуксимонларда *Toxascaris leonina* ва *Toxocara cati* паразитларининг ко-инфекция ҳолати аниқланиб, турлар COX1 ДНК кетма-кетлиги ва геометрик морфометрия усуллари билан тасдиқланган ҳамда филогенетик муносабатлари таҳлил қилиниб, халқаро GenBank базасида сақлаш учун жойлаштирилган;

Ўзбекистон шароитида уй мушукларининг эктопаразити: *Ctenocephalides felis* бургаси орқали юқадиган патогенлар ва уларнинг мтДНК хилма-хиллиги замонавий усуллар орқали ўрганилган ҳамда зоонотик хусусияти очиб берилган;

Тошкент воҳасида тарқалган мушуксимонлар аксарият ҳолатларда аралаш инвазия билан зарарланганлиги, паразитлар ассоциацияси уй ва ёввойи мушукларнинг 85-90%да учрашлиги ва 1 тадан 5 тагача турдаги ассоциациялар билан ифодаланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Тошкент вилоятининг турли иқлим шароитларида мушуксимонлар ўртасида паразитозларнинг тарқалиши ва касаллик қўзғатувчиларининг хўжайин организмини зарарлаш хусусиятлари илк бор комплекс равишда ўрганилган;

уй мушукларидан тўпланган *Ctenocephalides felis* бургасида *Rickettsia* spp. ва *Bartonella* spp. патогенлари молекуляр-генетик усуллар орқали аниқланган ва одамлар учун хавф омиллари асосланган;

мушуксимонларда учрайдиган паразитларнинг Тошкент вилояти бўйича табиий-ўчоқлари аниқланиб, уларнинг Ўзбекистон шароитида бошқа йиртқич сутэмизувчи ҳайвонлар ва одамлар орасида ҳам тарқалиш йўллари очиб берилган;

мушуксимонлар паразитларининг биологик ва эпизоотологик (эпидемиологик) хусусиятлари ўрганилган ва уларни ташхислаш, даволаш ҳамда олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

паразитозларга қарши курашишнинг эпизоотологик асослари ишлаб чиқилиб, касаллик қўзғатувчиларига қарши курашиш усуллари ва воситаларининг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган;

мушуксимонларнинг эндопаразитларига қарши янги комбинацияланган кенг спектрли антигельминтик хусусиятга эга бўлган суспензиялар ишлаб чиқилган ва самарадорлиги ўрганилган ҳамда ветеринария амалиётига тавсия этилган;

олинган илмий-тадқиқот натижалари республикадаги олий ва профессионал таълим муассасаларининг “ветеринария медицинаси” ва “биология” таълим йўналишлари талабалари учун паразитология фанидан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда фойдаланишлари учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда инновацион усуллар ва илмий ёндашувлардан фойдаланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши ва халқаро ҳамкорликда бажарилганлиги, олинган натижаларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда (Q1) нашр этилганлиги, илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиши, замонавий дастурлар асосида статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда ветеринария давлат органлари томонидан олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлигининг тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилояти шароитида мушуксимонлар ўртасида эндо ва эктопаразитлар тарқалишининг қиёсий ўрганилганлиги, паразитозларнинг эпизоотологик ҳолати баҳоланиб, касаллик қўзғатувчилари томонидан тарқаладиган патогенлар аниқланганлиги, шунингдек, доминант турларнинг молекуляр-генетик хусусиятлари, филогенетик муносабатлари ва уларнинг тиббий ҳамда ветеринария нуқтаи назардан ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мушуксимонлар паразитозларини олдини олишнинг экологик ва эпизоотологик жиҳатдан асосланиши, шунингдек, Тошкент вилояти мисолида паразитозларнинг тарқалиш характери аниқланганлиги ва паразит турларнинг токсономик таҳлили ўтказилганлиги билан ифодаланади. Олинган маълумотлардан республиканинг табиий ва урбанизациялашган ҳудудларида мушуксимонлар ва бошқа йиртқич сутэмизувчи ҳайвонларнинг паразитозларини даволаш ва олдини олиш учун фойдаланилган. Ушбу илмий натижалар ўрганилган худудда эпизоотик вазиятнинг янада барқарорлигини таъминланишига муайян даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Тошкент воҳаси мушуксимонлари (Felidae) паразитофаунаси ва уларнинг зоонозлар тарқалишидаги аҳамияти” мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

уй мушукларида аниқланган *Ctenocephalides felis* бургаси томонидан тарқаладиган патогенларни молекуляр-генетик усуллар орқали аниқлашда фойдаланиладиган праймерлар рўйхати ишлаб чиқилган ва Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 02 октябрдаги №02/23-682-сон маълумотномаси). Натижада уй мушукларида паразитлик қилувчи бургалар томонидан тарқаладиган *Rickettsia* ва *Bartonella* авлодига мансуб бактерияларни молекуляр-генетик усули орқали тезкор ташхислаш амалга оширилган;

мушуксимонлар аскаридозининг қўзғатувчилари бўлган *Toxascaris leonina* ва *Toxocara cati* нематодаларининг митохондриал ДНК COX1 соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги ўрганилган ва олинган маълумотлар халқаро

Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар миллий марказининг 2025 йил 15 августдаги маълумотномаси). Натижада *T. leonina* учун: PV125714; PV125715; PV125716; PV125717 va *T. cati* учун: PV366861; PV366859; PV366856; PV366838; PV366832 идентификация рақамлари олинган ҳамда улар халқаро миқиёсда турларни аниқлаш, филогениясини ўрганиш ва генетик хусусиятларидан келиб чиқиб даволаш имконини берган;

уй мушукларининг ассоциатив гельминтозларига қарши кенг таъсир кўрсатадиган антигельминтик хусусиятга эга бўлган суспензиялар (ПЗК:ИВМ:АГ:ПВП) ишлаб чиқилган ва Тошкент вилояти ветеринария амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 02 октябрдаги №02/23-682-сон маълумотномаси). Натижада уй мушукларининг зооноз ва паразитоз касалликларини даволашда 1 кг вазнга 8 мг суспензия оғиз орқали қўлланилганда 100,0 фоиз самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманлари ва симпозиумларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, уларнинг 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, амалиётга тавсиялар, олинган натижалар муҳокамаси, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида олиб борилган тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари келтирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича умумий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мушуксимонлар паразитофаунасининг ўрганилганлик даражаси (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, унда мушуксимонлар паразитларининг хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилганлик даражаси, эпизоотологик ва эпидемиологик маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, мушуксимонларда аниқланган паразитларнинг зоонозлар тарқалишидаги роли бўйича олиб борилган тадқиқот ишларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий-географик ҳолати, материал ва методлар”** деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, унда тадқиқот жойи, объекти ва услублари, тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий-географик ҳолати ва унинг мушуксимонларда паразитозларнинг тарқалишидаги аҳамияти батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг **“Тошкент воҳаси мушуксимонларида аниқланган паразитларнинг систематик ҳолати ва эпизоотологияси”** деб номланган учинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, тадқиқотлар давомида олинган асосий натижалар баён этилган.

Шунингдек, мушуксимонларда аниқланган ҳар бир паразитнинг токсономик ҳолати изоҳланган ва систематик жиҳатдан тахлил қилиниб, паразитларнинг эпизоотологияси ҳамда мавсумий динамикаси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Жумладан, Тошкент вилоятининг 7 та ҳудуди (Нурафшон, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгийўл) бўйлаб ўтказилган тадқиқотларда текширилган жами 231 бош мушуксимонлар (уй мушуги: n=180; қамиш мушуги: n=51)да гельминтларнинг тарқалиш динамикаси ўрганилганда Нурафшон туманида уй мушуклари гельминтлар билан зарарланиш кўрсатгичлари бўйича биринчи ўринни (16 тур), Олмалиқ тумани иккинчи ўринни (13 тур), Бекобод тумани учинчи ўринни (12 тур) эгаллаши аниқланган.

Диссертация ишининг тўртинчи боби **“Зооноз аҳамиятга эга бўлган паразит турларининг морфологияси ва молекуляр-генетик хусусиятлари”** деб номланиб, иккита параграфдан иборат қилиб белгиланган. Мазкур бобда диссертация иши доирасида олинган асосий натижалар келтирилган. Жумладан, Тошкент вилоятидаги мушуксимонларда *Toxascaris leonina* ва *Toxocara cati* паразитларининг ко-инфекция (бирга учраши) ҳолати, тарқалиши, хавф омиллари ва филогенетик муносабатлари чуқур ўрганилган. Ит ва мушуклар ўртасида аскаридларнинг тарқалиш даражаси бўйича ўтказилган мазкур қиёсий тадқиқотда 171 бош (95,0%) итларда *T. leonina*, 148 бош (82,2%) итларда эса *T. canis* паразитлари аниқланганлиги келтирилган бўлиб, итларнинг *T. cati* билан зарарланиш ҳолатлари эса мутлоқо кузатилмаган. Бундан ташқари, 142 бош (78,8%) итларнинг *T. leonina* ва *T. canis* билан биргаликда зарарланганлик ҳолатлари аниқланган. Мушуклар популяциясида *T. leonina* 53 бош (63,1%) ва *T. cati* эса 49 бош (58,3%) мушукларда қайд этилган. Мушуксимонларнинг *T. canis* билан зарарланиш ҳолатлари эса кузатилмаган. Шунингдек, 24 бош (28,5%) мушукларнинг *T. leonina* ва *T. cati* билан биргаликда зарарланганлик ҳолатлари аниқланган (1-расм ва 1-жадвал).



1-расм. Тошкент вилоятида тарқалган ит ва мушукларда аниқланган *Toxascaris leonina, Toxocara canis* ва *Toxocara cati* паразит турларининг умумий морфологик кўриниши

Тошкент вилояти бўйлаб тадқиқот олиб борилган уй мушукларида аскарид турлари тарқалишининг ҳайвонлар жинси, ёш гуруҳи ва яшаш ҳудуди каби омилларга қараб фарқ қилиши аниқланди. Эркак мушуклар орасида *T. leonina* 60 бошдан 38 бошида (63,3%), *T. cati* паразити эса бир хил миқдордаги мушукларда (63,3%) қайд этилиб, 19 бош мушукда (31,6%) ко-инфекция ҳолати (биргаликда учраши) кузатилди.

Тадқиқот олиб борилган 24 бош урғочи мушукларнинг 15 бошида (62,5%) *T. leonina* ва 11 бош (45,83%) мушукларда эса *T. cati* паразити аниқланди. Биргаликдаги инвазия эса 5 бош (20,83%) мушукларда қайд этилди. Ёши бўйича ўтказилган таҳлилларга кўра, бир ёшгача бўлган мушуклар *T. leonina* ва *T. cati* билан кам зарарланганлик ҳолатлари (10/18: 55,5%), бир ёшдан беш ёшгача бўлган гуруҳда эса *T. cati* билан юқори даражада зарарланиш (24/34: 70,5%) даражаси қайд этилганлиги, мазкур паразитларнинг биргаликдаги инвазия кўрсатгичи эса 35,2% ни ташкил этиши асосланди.

Беш ва ундан катта ёшдаги 32 бош мушуклар орасида *T. leonina* 22 бошида (68,7%), *T. cati* эса 15 бош (46,8%) мушукларда, ко-инфекция ҳолатлари эса 8 бош (25,0%) мушукларда қайд этилди. Ўтказилган қиёсий таҳлилларга кўра туманлар кесимида Қибрай ва Бўстонлиқ туманларида *T. leonina* паразитининг энг кўп тарқалиши (100,0%), энг паст тарқалиш даражаси эса Юқори Чирчиқ ва Пискент туманларида (50,0%) аниқланди. *T. cati* паразит турининг энг юқори тарқалиш даражаси эса Юқори Чирчиқда (75,0%) кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткич (50,0%) Пискент туманида қайд этилган. Мазкур паразитларнинг биргаликда учраш кўрсаткичлари турлича бўлиб, энг юқори кўрсаткич Янгийўл туманида (32,0%), энг паст кўрсаткич эса Бўстонлиқ туманида (66,6%) аниқланди (2-жадвал).

Олиб борилган молекуляр-генетик тадқиқотлар давомида таҳлил қилинган *T. leonina* изолятлари (N3, N5, N11, N12, N13, N14 ва N15) нуклеотидларнинг бир-бири билан ўзига хослиги 100,0% кўрсаткичга эга эканлиги исботланди. Аксинча, GenBank кетма-кетликлари билан таққосланганда турли даражадаги ўхшашликлар кузатилди. Хусусан, бизнинг изолятларимиз Австралия изолятига (NC023504) нисбатан 99,6% учта ўзгарувчан жой билан ўзига хосликни кўрсатди ва Хитойдан ит (*Canis familiaris*) (MN329693) ва йўлбарс (*Puma tigiris*) да аниқланган иккита изолят билан солиштирилганда 8 та ўзгарувчан жой билан 99,0% ўхшаш идентификацияни намоён этди. TC13 изоляти (MK516267) энг паст (94,2%) нуклеотид идентификациясини кўрсатди, шунингдек, бизнинг 7 та изолятимизга нисбатан 35 та ўзгарувчан жой мавжудлиги аниқланди (3-жадвал ва 2-расм).

Филогенетик муносабатларни аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра қисман COI кетма-кетлигини мослаштиришга асосланган филогенетик таҳлил Ascarididae оиласида айрим турларни ифодаловчи алоҳида гуруҳларни аниқлади, улар *Ascaris, Baylisascaris, Toxocara* ва *Toxascaris* каби турли авлодларни ўз ичига олади.

1-жадвал

Уй итларида аниқланган аскарид турлари ва ко-инфекциялар тарқалишига таъсир қилувчи хавф омилларининг кўп қиррали таҳлили

Хавф омиллари	**кўрсатгичлар**	***T. leonina***	**C.I. 95%[1]**	***T. canis***	**C.I. 95%[1]**	**Ко-инфекция**	**C.I. 95%[1]**
Жинси	Эркак	1.123	0.753-1.684	0.890	0.610-1.303	0.950	0.640-1.407
	Урғочи	1.000 (ref)		1.000 (ref)		1.000 (ref)	
Ёш гуруҳи	[<1]	3.456*	1.200-10.000	0.780	0.410-1.470	0.825	0.400-1.704
	[1-5]	1.000 (ref)		1.000 (ref)		1.000 (ref)	
	[>5]	0.456	0.224-0.934	1.200	0.650-2.200	0.900	0.450-1.800
Туманлар	Зангиота	0.789	0.321-1.946	0.832	0.410-1.680	0.600	0.270-1.330
	Янгийўл	0.670	0.313-1.430	0.900	0.460-1.740	0.750	0.350-1.600
	Пискент	1.500	0.600-3.750	1.200	0.500-2.900	1.000	0.450-2.220
	Нурафшон	2.000	0.700-5.700	1.500	0.600-3.750	1.250	0.300-5.200
	Оққўрғон	2.500*	1.100-5.600	0.600	0.250-1.500	0.500	0.200-1.200
	Қибрай	1.200	0.500-2.900	1.100	0.400-2.800	1.300	0.500-3.400
	Бўстонлиқ	1.100	0.400-2.800	0.900	0.400-2.100	1.100	0.400-2.800
	Бекобод	1.000 (ref)		1.000 (ref)		1.000 (ref)	

***Қисқартмалар:** [1]: C.I. 95%: ишонч оралиғи; 95%; *: статистик жиҳатдан аҳамиятли.*

2-жадвал

Тошкент вилоятининг турли ҳудудларида тарқалган уй мушукларининг жинси ва ёшига кўра аскаридлар билан зарарланиш кўрсатгичлари ва паразит турларнинг ко-инфекцияси

Хавф омиллари	Кўрсатгичлар	*T. leonina*			*T. cati*			Ко-инфекция		
		n (%)	95% C. I.	*p*	n (%)	95% C. I.	*p*	n (%)	95% C. I.	*p*
Жинси	Эркак	38 (63.33)	0.52-0.73	1	38 (63.33)	0.52-0.73	0.152	19 (31.67)	0.22-0.43	0.425
	Урғочи	15 (62.5)	0.43-0.78		11 (45.83)	0.29-0.63		5 (20.83)	0.10-0.37	
Ёш гуруҳи	[<1]	10 (55.56)	0.34-0.74	0.636	10 (55.56)	0.34-0.74	0.143	4 (22.22)	0.08-0.43	0.519
	[1-5]	21 (61.76)	0.47-0.73		24 (70.59)	0.56-0.81		12 (35.29)	0.22-0.50	
	[>5]	22 (68.75)	0.54-0.80		15 (46.88)	0.31-0.62		8 (25)	0.12-0.43	
Туманлар	Зангиота	7 (63.64)	0.38-0.83	0.09	7 (63.64)	0.38-0.83	0.916	3 (27.27)	0.10-0.50	0.391
	Юқори-Чирчиқ	4 (50)	0.18-0.81		6 (75)	0.49-0.91		3 (37.5)	0.11-0.71	
	Янгийўл	19 (76)	0.60-0.87		12 (48)	0.29-0.67		8 (32)	0.16-0.51	
	Пискент	4 (50)	0.18-0.81		4 (50)	0.18-0.81		2 (25)	0.06-0.57	
	Нурафшон	4 (30.77)	0.07-0.65		9 (69.23)	0.41-0.88		1 (7.69)	0.01-0.38	
	Оққўрғон	3 (60%)	0.24-0.86		3 (60%)	0.24-0.86		1 (20)	0.05-0.71	
	Оҳангарон	4 (66.67)	0.30-0.92		3 (50)	0.18-0.81		1 (16.67)	0.04-0.64	
	Қибрай	5 (100)	0.90-0.10		3 (60)	0.24-0.86		3 (60)	0.24-0.86	
	Бўстонлиқ	3 (100)	0.90-0.10		2 (66.67)	0.26-0.94		2 (66.67)	0.26-0.94	

Қисқартмалар: n (%): *Зарарланган ҳайвонлар бош сони (n) ва ҳар бир тоифадаги зарарланган ҳайвонларнинг фоизи (%) 1: C.I. 95%: ишонч оралиғи 95%; *: статистик жиҳатдан аҳамиятли.*

3-жадвал

***Toxascaris leonina* паразитидан қисман ажратилган COX1 кетма-кетликлари ва GenBank тизимида мавжуд бўлган турлар орасидаги генетик масофалар ҳамда нуклеотидларнинг идентификация даражаси (%)**

Т/р	Изолят	GenBank[2]	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	N3	PV125711	100/0	0.000	0.000	0.000	0.000	0.000	0.000	0.010	0.010	0.058	0.004
2	N5	PV125712	100	100/0	0.000	0.000	0.000	0.000	0.000	0.010	0.010	0.058	0.004
3	N11	PV125713	100	100	100/0	0.000	0.000	0.000	0.000	0.010	0.010	0.058	0.004
4	N12	PV125714	100	100	100	100/0	0.000	0.000	0.000	0.010	0.010	0.058	0.004
5	N13	PV125715	100	100	100	100	100/0	0.000	0.000	0.010	0.010	0.058	0.004
6	N14	PV125716	100	100	100	100	100	100/0	0.000	0.010	0.010	0.058	0.004
7	N15	PV125717	100	100	100	100	100	100	100/0	0.010	0.010	0.058	0.004
8	Хитой[1]	MN329693	99.0	99.0	99.0	99.0	99.0	99.0	99.0	100/0	0.010	0.053	0.010
9	TLST	MW560284	99.0	99.0	99.0	99.0	99.0	99.0	99.0	100	100/0	0.053	0.062
10	TC13	MK516267	94.2	94.2	94.2	94.2	94.2	94.2	94.2	94.7	94.7	100/0	99.5
11	Австралия	NC_023504	99.6	99.6	99.6	99.6	99.6	99.6	99.6	99.0	99.0	93.8	100/0

Қисқартмалар:[1]: *Ушбу изоляцияларнинг муаллифлари изолятларнинг номларини келтирмаган, шунинг учун изоляция номи ўрнига мамлакат номи ишлатилган,* [2]: *GenBank тизимига кириш рақами.*



2-расм. ***Toxascaris leonina*** **паразит туридан қисман ажратилган COX1 кетма-кетликларини GenBank тизимида топилган турлар билан қиёсий солиштирмаси.** Биринчи кетма-кетликка нисбатан сақланган нуклеотид позициялари чизиқча билан кўрсатилган. Нуклеотидлар: Т (тимин), С (ситозин), Г (гуанин), А (аденин). Кетма-кетликлар 3-расмдаги филогенетик дарахтда кўрсатилганидек, *T. leonina* гуруҳини ташкил этувчи кластерларга кўра рангли кодланган. 1, 2, 3 ва 4 кластерлардаги кетма-кетликлар мос равишда яшил, тўқ сариқ, пушти ва кўк рангга бўялган.

Шунингдек, *T. leonina* учун тугуннинг мустаҳкамлиги 75% дан 99% гача бўлган тўртта кластер аниқланди. 1-кластерга фақат Хитойда текширилган гепард (*Acinonyx jubatus*) TC14 изоляцияси киради (MK516267). 2-кластер уй итлари (*Canis familiaris*) ва Амур йўлбарси (*Panthera tigris altaica*) (мос равишда MN329693 ва MW560284)да топилган Хитой изолятларидан иборат. 3-кластерда бизнинг тадқиқотларимиз, яъни Ўзбекистон изолятлари, жумладан уй итларидан (*C. familiaris*) N3, N5 ва N11 изолятори, шунингдек уй мушукларидан (*F. catus*) N12, N13, N14 ва N15 изолятлари мавжуд. Ниҳоят, 4-кластер фақат Австралияда тарқалган уй итларини зарарлаган изолят бўлиб ифодаланади (NC023504) (3-расм).

Олиб борилган молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари асосида уй мушукларида аниқланган *Toxascaris leonina* ва *Toxocara cati* нематодаларининг митохондриал ДНК COX1 соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги халқаро Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) базасига жойлаштирилди.

Тошкент вилоятида тарқалган ит ва мушукларда олиб борилган ушбу кўп қиррали тадқиқот натижалари аскаридаларнинг ит (98,3%) ва мушуклар (91,6%) ўртасида тарқалиш даражаси юқори эканлигини тасдиқлайди. Жумладан, ушбу тадқиқотда олиб борилган молекуляр-генетик усуллар паразит хўжайин муносабатларини янада чуқур англашга замин яратади. Шунингдек, мазкур тадқиқот натижалари уй шароитида паразитларни доимий мониторинг қилиш ва назорат олиб бориш чораларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида уй мушуклари эктопаразити: *Ctenocephalides felis* бургаси орқали юқадиган патогенлар ва уларнинг мтДНК хилма-хиллиги ҳамда зоонотик потенциали ўрганилди. Жумладан, Тошкент вилояти Пискент туманида жойлашган “Меҳр” ҳайвонларни вақтинча сақлаш жамиятида сақланаётган 60 бош уй мушукларидан эктопаразитлар йиғилган. Йиғилган эктопаразитлар морфологик идентификация қилинганда 182 нусха *Ct. felis* бургалари аниқланди.

Аниқланган бургалар морфологик ва молекуляр-генетик жиҳатдан идентификация қилингандан сўнг патогенлари бўйича алоҳида молекуляр-генетик тадқиқот ишлари олиб борилди. Бунда, геномик ДНК ҳар бир алоҳида эктопаразитдан экзоскелетлари сақланиб қолган ҳолда, ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига асосан ISOLATE II геномик ДНК тўпламидан фойдаланиб, амалга оширилди. Бургаларнинг тур хилма-хиллигини аниқлаш мақсадида олдин нашр қилинган адабиётларга асосланган ҳолда (Deak et al., 2022) морфологик жиҳатдан идентификация қилинди. Барча ДНК намуналари кейинги фойдаланишгача 20^0 С ҳароратда сақланди. Молекуляр таҳлил учун *Ct. felis* бургалари *Dipylidium caninum* Linnaeus, 1758 ва *Rickettsia* авлодига мансуб бактериялар мавжудлиги учун ДНК ажратилган ҳолда полимераз занжирли реакция (ПЗР) орқали текширилди. Шунингдек, *Ct. felis* бургалари *Bartonella* авлодига мансуб бактериялар патогенларини аниқлаш учун ҳам ПЗР усули орқали таҳлил қилинди. ПЗР маҳсулотлари ECO хавфсиз нуклеин кислотаси бўяш эритмаси билан бўялди ва 1,5% агароз гелида электрофорездан сўнг ультрабинафша нурланиш остида тасвирланди.



3-расм. Максимал эҳтимоллик усули ёрдамида GenBank тизимида нашр этилган Ascarididae оиласининг турли вакилларига нисбатан таҳлил қилинган *Toxascaris leonina* намуналаридан ажратилган COI маркерининг қисман кетма-кетликларини (633 bp) мослаштиришга асосланган филогенетик дарахт. *Тугунлар билан боғланган рақамлар 1000 итерациядан ортиқ Бootstrap қўллаб-қувватлаш фоизини билдиради (фақат 50% дан юқори фоизлар кўрсатилган). T. leonina паразит турининг ҳар бири учун кластерларни яратишда ҳисобга олинган фоизлар қизил рангга бўялган.*

Уй мушукларидан йиғилган 182 нусха *Ct. felis* бурга турларидан 62 нусхаси (34,0%) ПЗР орқали 3 турдаги (*Rickettsia* spp., *D. caninum* ва *Bartonella* spp.) вектор юқадиган патогенларга ижобийлиги текширилди. Текширилган 62 нусха бургалардан 11 (17,7%) нусхасида *Rickettsia* spp. ва 9 (14,5%) нусхасида *Bartonella* spp. аниқланди (4-расм). Барча текширилган бургаларда *D. caninum* патогенлари аникланмади.

Мазкур тадкиқот иши Ўзбекистонда мушуклардан тўпланган бургаларда олиб борилган векторли патогенларнинг пайдо бўлиши ва хилма-ҳиллигини баҳолашга қаратилган илк тадқиқотлардан ҳисобланади. Шу боисдан уларнинг тарқалиши географик минтақа, иқлим шароити, атроф-муҳит, маданий ва ижтимоий омиллар, шунингдек, уй ёки ёввойи ҳайвонлар билан алоқасига қараб келгусида қўшимча тадқиқотлар ўтказишни талаб этади.



4-расм. ПЗР орқали текширилган *Ctenocephalides felis* бургаларининг патогенларга ижобийлиги (n=62)

Юқоридаги расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Пискент туманида тарқалган уй мушукларида аниқланган *Ct. felis* бургаларида *Rickettsia* spp. патогенлари энг юқори (5/11; 45,4%) кўрсатгичга эга. Иккинчи ўринда эса Бекобод тумани (3/11; 27,2%), Нурафшон, Янгийўл ва Оҳангарон туманларида 1 тадан (9,0%) ижобий натижалар кузатилган. Зангиота туманида эса бургаларда патогенлар мутлақо аниқланмаган.

Шунингдек, 4-расмда қайд этилган ПЗР усулида текширилган *Ct. felis* бургаларида Нурафшон, Зангиота, Оҳангарон ва Бекобод туманларида *Bartonella* spp. 2 тадан (22,2%) ҳолатда, Пискент туманида 1 та (11,1%) ҳолатда кузатилганлигини, Янгийўл туманида эса патогенлар аниқланмаганлигини кўришимиз мумкин (4-расм).

Диссертация ишининг бешинчи боби **“Уй мушукларининг паразитозларини даволаш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда мушуксимонлар паразитозларини даволаш ва қарши кураш чоралари бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари келтирилган. Жумладан, ПЗК (прозиквантел), ИВМ (ивермектин), АГ (полисахарид арабиногалактан) ва ПВП (поливинилпирролидон) композициясидан иборат суспензия ишлаб чиқилди ва тажрибадаги мушукларга қўлланилди. Тажрибаларда ҳар бир мушукка 1 кг вазнга 8 мг суспензия қўлланилди. Мазкур тадқиқотда "Mexр" ҳайвонларни вақтинча сақлаш жамиятида сақланаётган 30 бош мушукларда тажрибалар олиб борилган бўлиб, шундан 15 боши назорат гуруҳидаги ҳайвонлар ҳисобланади.

Тажрибаларда мазкур суспензия мушуклардаги *T. cati, T. leonina, U. stenocephala, A. caninum, T. vulpis, E. granulossus, D. latum, T. multiceps, Taenia spp.*, шунингдек, *Dirofilaria immitis* ва *D. repens* гельминтларининг личинкалик (микрофилария) босқичларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, 100,0% самарадорлик кўрсатгичига эга эканлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

"Тошкент воҳаси мушуксимонлари (Felidae) паразитофаунаси ва уларнинг зоонозлар тарқалишидаги аҳамияти" мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тошкент вилоятида тарқалган мушуксимонлар оиласи вакилларида аниқланган паразитларнинг фаунистик комплекслари, шунингдек, таксономик гуруҳларнинг тузилиши турғун эмас. Уй мушукларининг паразитлари фаунаси 3 та синф (Cestoda, Acanthocephala ва Nematoda)дан иборат гельминтларнинг аниқ устунлиги билан ажралиб туради. Эктопаразитлар фаунаси эса Arachnida ва Insecta синфлари билан ифодаланади.

2. Мушуксимонлар гельминтофаунаси 30 турдан, эктопаразитлар эса 6 турдан иборат эканлиги аниқланди: цестодалар 13 тур, акантоцефалалар 1 тур, нематодалар 16 тур, ўргамчаксимонлар 5 тур ва ҳашаротлар 1 тур. Аниқланган паразитларнинг 22 тури хавфли зоонозлар ҳисобланади.

3. Уй мушукларининг гельминтлар билан умумий зарарланиш даражаси 68,8%ни, эктопаразитлар билан эса 29,8% ни ташкил этади.

4. Аксарият ҳолларда турли хил модификациядаги паразитларнинг 2 дан 6 гача бўлган турлари билан касалланган ҳайвонларда бир неча турдаги гельминтларнинг аралаш инвазиялари аниқланди.

5. Мушуксимонларда аниқланган зооноз аскаридоз қўзғатувчиси - *Toxocara cati* етук нематодаси Ўзбекистонда илк бор молекуляр идентификация қилиниб, 5 та намунадан митохондриал ДНК (COI) нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланди ва PV366861; PV366859; PV366856; PV366838; PV366832 идентификация рақамлари олиниб, халқаро GenBank тизимида сақлаш учун жойлаштирилди.

6. Уй мушуклари аскаридозининг қўзғатувчилари бўлган *Toxascaris leonina* нематодасининг 7 та намунасида митохондриал ДНК COX1 соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги ўрганилди ва халқаро миқёсда филогенетик муносабатлари изоҳланди.

7. Мушуксимонлар паразитар касалликларининг трофико-экологик ва эпизоотологик (эпидемиологик) хусусиятлари асосланди. Цестода, нематода ва паразит бўғимоёқлилар келтириб чиқарадиган касалликларнинг асосий патогенлари аниқланди.

8. Уй мушукларида аниқланган *Ct. felis* бургаларида ПЗР усули орқали ўтказилган молекуляр-генетик таҳлилларга кўра текширилган намуналарнинг 17,7 фоизида *Rickettsia* spp. ва 14,5 фоизида *Bartonella* spp. бактериялари мавжудлиги қайд этилди ҳамда *Ct. felis* бурга тури хавфли зооноз хусусиятга эга эканлиги аниқланди.

9. Мушуксимонлар паразитларининг бир қатор турлари имаго ёки личинкалик босқичида одамлар ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида паразитлик қилиши аниқланди. Жиддий касалликларни келтириб чиқарадиган зооноз ва антропозооноз аҳамиятга эга бўлган паразитларнинг 22 тури қайд этилди: цестодалар – 7 тур, нематодалар 9 тур, ҳашаротлар 6 тур.

10. Уй мушукларининг ассоциатив гельминтозларига кенг таъсир кўрсатадиган янги комбинацияланган антигельминтик хусусиятга эга бўлган суспензиялар (ПЗК:ИВМ:АГ:ПВП) ишлаб чиқилиб самарадорлик кўрсатгичлари ўрганилди ва юқори даражада (100,0%) таъсири аниқланиб, ветеринария амалиётига жорий этилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.08/2025.27.12.V.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕТСИТЕТЕ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ

АБДУХОЛИКОВ ХАККУЛ ХОЛИКУЛОВИЧ

ПАРАЗИТОФАУНА КОШАЧЬИХ (FELIDAE) ТАШКЕНТСКОГО ОАЗИСА И ИХ РОЛЬ В РАСПРОСТРАНЕНИИ ЗООНОЗОВ

03.00.06 - Зоология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ

Самарканд – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2025.1.PhD/V146.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ssuv.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Сафаров Алишер Абдукахар угли** доктор биологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Даминов Асадулло Сувонович** доктор ветеринарных наук, профессор
	Гаипова Мутабар Эргашевна Доктор философии ветеринарним наук (PhD), доцент
Ведушая организация:	**Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится “21” февраля 2026 г. в 10^{00} часов на заседании Научного совета DSc.08/2025.27.12.V.11.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий (Адресс: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77, Тел.: +998 (55) 707-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий (зарегистрирована за № 14352) (Адресс: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77., Тел./ факс: +998 (55) 707-76-86.

Автореферат разослан «10» 02 2026 г.

(рреестр протокола № 04 от «10» 02 2026 г.)

Х.Б. Юнусов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

К.Х. Уроков
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.ф.в.н., (PhD)

Қ.Н. Норбоев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии(PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире кошки входя в число самых распространенных животных, их популяция оценивается более чем в 1 млрд. особей. Представители этого семейства, относящегося к отряду хищных млекопитающих (Carnivora: Mammalia), имеют важное значение в животном мире, причем домашние кошки являются единственными одомашненными представителями этого семейства и находятся в тесном контакте с человеком. Тот факт, что «некоторые паразиты кошек находясь в тесном контакте с инфицированными животными или при воздействии на загрязненную среду, обладают зоонозным потенциалом, что также представляет серьезную угрозу для здоровья человека»[3].

В мире увеличение численности домашних животных в сочетании с глобальными событиями, такими как изменение климата, способствует размножению паразитов и их распространению в другие регионы. В частности, согласно данным, представленным в обзоре “World Population Review” на конец 2025 года, «численность домашних кошек достигла 830 млн.». Из них 480 млн. - дикие, а 350 млн. живут с людьми[4]. Эти цифры указывают на резкое увеличение популяции домашних кошек, что требует совершенствования мер по борьбе с паразитарными и другими инфекционными заболеваниями на основе научных подходов. Во всех странах также важно регулировать численность домашних кошек, проводить постоянный мониторинг, регулировать отношения между людьми и домашними кошками, а также предоставлять плановые ветеринарные услуги.

В нашей республике семейство кошачьих представлено 10 видами и 4 подвидами, которые обитают в различных типах биоценозов и являются важным компонентом биологического разнообразия. В сегодняшний день численность официально зарегистрированных собак и кошек в стране достигло 3 млн. Незарегистрированные, ведущие бродячий образ жизни кошки служат связующим звеном между дикой природой и человеком, передающим инфекционные и инвазионные, в том числе паразитарные заболевания. Помимо этого, отсутствие комплексного изучения представителей паразитофауны этого семейства, может ещё больше осложнить эпизоотологическую и эпидемиологическую обстановку. Исходя из этого, изучение фауны экто- и эндопаразитов кошачьих, оценка эпизоотологического (эпидемиологического) состояния паразитов, разработка инновационных методов своевременной диагностики, лечения и профилактики заболеваний на основе современных методов и мирового опыта с изучением экологии, биологии и стадий развития возбудителей считается актуальной задачей.

Данная диссертационная работа в определенной мере служит реализации задач, изложенных в Законах Республики Узбекистан ЗРУ-397 от 29 декабря 2015 года «О ветеринарии» и ЗРУ-408 от 19 сентября 2016 года «Об охране и использовании животного мира», Указах Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и Постановлении ПП-187 от 31 марта 2022 года «О коренном

---

[3] Beugnet, F., Bourdeau, P., Chalvet-Monfray, K. et al. Parasites of domestic owned cats in Europe: co-infestations and risk factors. Parasites Vectors 7, 291 (2014).

[4] https://worldpopulationreview.com/country-rankings/cat-population-by-country

совершенствовании системы подготовки кадров в области ветеринарии и животноводства», а также других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

